

ГЛОБАЛЛАШУВНИНГ ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИГА ИЖОБИЙ ВА САЛБИЙ
ТАЪСИРИ

Душаев Акбаржон Жаникулович

Гулистон давлат университети

“Психология ва Ижтимоий фанлар” факультети

“Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақола глобаллашув жараёнларининг индивид ва жамиятнинг дахлдорлик (идентификация) туйғусига кўрсатаётган ижобий ва салбий таъсирларини комплекс таҳлил қилишга қаратилган. Тадқиқот давомида маданий интеграция ва глобал алоқаларнинг шахснинг ўзликни англашига таъсири солиштирма таҳлил қилинади. Мақолада глобаллашувнинг маданий диверсификацияни таъминлашдаги роли ҳамда маданий гомогенизация (бир хиллашиш) ва миллий ўзликнинг сусайиши каби хавфлар кўриб чиқилади. Таъсирларни мувозанатлаш ва глобал жамият шароитида миллий дахлдорликни сақлаб қолиш бўйича стратегик таклифлар берилган.

Калит сўзлар: глобаллашув, дахлдорлик туйғуси, миллий ўзлик, маданий интеграция, маданий гомогенизация, идентификация.

Дахлдорлик туйғуси барча даврларни тарихий шароитига боғлиқ ҳолда ривожланиб келган. Масалан ўрта асрларда аксарият фуқаролар юқори синфларга тобе бўлганлиги учун уларда дахлдорлик туйғуси ҳозиргига нисбатан анча заиф бўлган. Чунки ўрта аср фуқароларида эркинлик, ҳуқуқ масаласида жиддий муаммолар мавжуд эди. Инсонга ҳуқуқ ва эркинлик берилса унда маъсулият ва дахлдорлик кучаяди. Ўрта аср фуқароларидаги дахлдорлик кўпроқ ўз феодалига ва киролига садоқат тарзида намоён бўлган эди. Янги ва энг янги даврда миллатларнинг шаклланиши, саноат инқилоби, илм-фаннинг юксалиши, уранизация жараёнлари, демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишдаги тубсифат ўзгаришлар жараёнида дахлдорлик туйғуси авалгиларга нисбатан анча юксалди. Замонавий глобаллашув даврининг глобалл муаммолари энди инсонда глоба дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлашни заруратга айлантирмоқда. Глобаллашув - бу дунё миқёсида иқтисодий, сиёсий, маданий ва ахборий интеграциянинг (бирлашишнинг) кучайиш жараёнидир.

Дарҳақиқат, глобаллашув инсон феноменига янада катта эътибор қаратади. Чунки, цивилизациянинг ноосфера босқичи инсоннинг ақли ва тафаккурини соғломлаштириш орқали, инсонда соғлом эҳтиёжлар, яъни бунёдкорлик, рационаллик, прагматик, инноваторлик хусусиятларни ривожлантириш орқали, келажак авлодга бахтли жамият, шунингдек, табиат қонунлари билан уйғунлаша

олган, “муқобил цивилизация”³⁰ ни мерос қолдиришини таъминлайди. Ваҳоланки, инсонда соғлом маънодаги бунёдкорлик, рационаллик, прагматиклик, инновацияга мойиллик, креативлик каби хислатлар ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди. Мазкур омилларни шаклланишида албатта, ноосфера босқичининг бош талаби ҳисобланган табиатга, жамиятга, оламга дахлдорлик туйғусини такомиллашганлиги муҳим аҳамият касб этади. Фалсафий жиҳатдан жамият ҳам, жаҳон ҳамжамяти ҳам ўзаро боғлиқ, ўзаро алоқадор, ўзаро интеграциялашув тизим асосида янгиланар экан, бу ўринда инсон ҳам янги муҳитга мослашиши, кўникиши, унинг талабларига тўла жавоб бера олиши учун мажбурий функцияларни бажариш қобилиятига эга бўлиши лозим. Экзистенциализм фалсафасига кўра, дахлдорлик туйғуси инсонда бўлмас экан, у ҳақиқий инсон мезонларига жавоб бера олмайди¹. Дахлдорлик туйғусининг салбий қирраларини ўзида мужассам этган инсоннинг кашфиётлари, инновациялари ёвузликка хизмат қилиши шубҳасиз бўлиб, буни XX асрнинг биринчи ярмидаги тоталитар тузумлар тажрибаси ва жаҳон урушлари яққол исботлайди. Демак, демократияни асраб авайлаш, фуқаролик жамиятини барпо этиш, ривожлантириш, глобал муаммоларни бартараф қилиш, инсоният ўртасидаги гуманистик интеграцияларни кучайтириш, биринчи навбатда, глобал дахлдорлик туйғусига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Глобаллашув инсон тафаккури ва руҳиятига, хусусан, унинг дахлдорлик туйғусига икки ёқлама - ҳам ижобий (трансформацияланувчи), ҳам салбий (парчаловчи) таъсир кўрсатмоқда. Глобаллашувнинг позитив томони шундаки, инсоннинг дахлдорлик туйғуси чегараларини маҳаллий ёки миллий қолиплардан олиб чиқиб, умуминсоний даражага кенгайтирди. Инсоннинг ўзини фақат бир миллат ёки давлат аъзоси эмас, балки бутун инсониятнинг, Ер сайёрасининг ажралмас қисми сифатида ҳис қилиши глобал дахлдорликни мустаҳкамламоқда. Ахборот асрида интернет ва ижтимоий тармоқларнинг ривожланиши, ахборотнинг сониялар ичида тарқалиши, халқаро таълим ва миграция жараёнлари, глобал муаммоларнинг (иқлим ўзгариши, пандемиялар, экологик инқирозлар) умумийлиги, сайёрамизнинг нариги чеккасидаги муаммога (масалан, Африкадаги очлик ёки океанларнинг ифлосланиши) маҳаллий даражада куйиниш ва ёрдам бериш истаги пайдо бўлмоқда. Халқаро волонтерлик ҳаракатлари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва экологик масъулият ("Яшил сайёра" ғоялари) кучайиши ҳам глобал дахлдорликнинг яна бир кўринишларидандир. Келажакда рақамли экотизимлар орқали инсоният умумий хавфларга қарши тезроқ жипслашиши кутимоқда. Давлатлараро чегаралардан устун турувчи "виртуал жамоавий дахлдорлик" шаклланади, бу эса глобал тинчлик ва барқарорликка хизмат қилади.

³⁰ Алимасов В. Муқобил цивилизация. // Тафаккур. 2015. № 2,22-б.

¹ Сартр Ж.-П. Экзистенциализм тўғрисида. А.Шер таржимаси. “Жаҳон адабиёти” журналы, 1997. 5-сон, 183-б.

Ҳар қандай тарихий тараққиётнинг салбий томонлари бўлганидек глобаллашувнинг ҳам салбий томонлари бор. Афсуски, дахлдорлик туйғуси ҳам глобаллашувнинг салбий таҳдидларидан тўлиқ ихоталанмаган. Бу таҳдидлар, жаҳоннинг катта қисмида рўй бераётган маънавий инқирозлар, жамиятда маргиналлар тоифасининг кўпайиши, оила институтининг инқироzi, оммавий маданиятнинг салбий таҳдидлари, космополитизмнинг кучайиши, глобал дахлдорлик туйғусини ўта жиддий хавф остига қўймоқда.

Рим клуби аъзолари А.Печчеи, Ж.Найсбит, В.Буданов, И.Савельева, А.Чумаков, Г.Гендерсон, М.Месарович, ва Э.Пестелнинг тадқиқот - ҳисоботларида инсоният глобал инқирозлар ёқасида турибди, уларни ҳал қилмай мавжуд цивилизацияни асраб қолиш қийин “юксак инсоний сифатларни ривожланишини таъминлайдиган янги гуманизм”, яъни “инсоний инқилоб” зарур, деган хулоса илгари сурилган¹.

Бу жараённинг негатив таъсири ижтимоий атомизация ва ўзликка таҳдидларда намоён бўлади. Глобаллашув маҳаллий ва миллий даражадаги анъанавий дахлдорлик туйғусини емириш хусусиятига эга. Миллий қадриятлардан узилиш, маҳаллий анъаналар ва оилавий ришталарга нисбатан бепарволикнинг ортиши, шахснинг ижтимоий ёлғизланиши, яъни ижтимоий атомизация жараёнлари барқарорлик, хавфсизликка жиддий путур етказди. Глобал оммавий маданиятдаги вестернизация - Ғарб турмуш тарзининг сингдирилиши, агрессив тарқалиши, виртуал дунёнинг реал ҳаётни сиқиб чиқариши, гипер-истеъмомчилик ва трансмиллий корпорациялар томонидан индивидуал муваффақиятнинг ягона мезон сифатида тарғиб қилиниши, миллий ва маҳаллий дахлдорликнинг сусайишига сабаб бўлмоқда. Инсон ўз маҳалласи, оиласи ва ватани муаммоларига бегона бўлиб қолади. Бу антропологияда "Космополитик лоқайдлик" дейилади -инсон ҳамма жойлик, лекин айна пайтда ҳеч қайси жойга тегишли эмас (руҳий уйсизлик). Агар бу тенденция назорат қилинмаса, миллий давлатчилик пойдевори бўлган ижтимоий капитал (ишонч ва ҳамжиҳатлик) заифлашади. Маданиятларнинг бир хиллашуви (унификация) натижасида миллий ўзлик ва миллий дахлдорлик "музей экспонати"га айланиб қолиши хавфи мавжуд.

Бундан ташқари мафкура полигонларида инсон онги ва қалбини эгаллаш учун рақобат авж олган шароитда турли хил миллий менталитетимизга ёт мафкуралар, адабиёт ва санъатдаги носоғлом жанрлар, урушни, диний адоватни авж олдирувчи мафкураларнинг ахборот асрининг замонавий воситалари орқали ёшларни ўз таъсирига олишга интилишлари ҳам дахлдорлик туйғусини кучайтириш борасидаги комплекс чора-тадбирлар самарадорлигига путур етказди.

Бундай жараёнлар бизнинг жамиятимизда кузатилмаслигига, ватанимиз

¹ Алимасов В. Муқобил цивилизация. // Тафаккур. 2015. № 2, 23- Б.

таракқиётига раҳна солмаслигига, ёшларимизнинг онгу-шуурига зарарли ғоя ва мафкураларнинг сингдирилишига, қўштирноқ ичидаги “оммавий маданият” нинг сингдирилиб тўғри йўлдан адашиб кетмайди деб ҳеч биримиз кафолат бера олмаймиз.

Президентимиз Шавкат Мирзиёвнинг “Биз ёшларга оид давлат сиёсатини ҳеч оғишмай изчиллик билан давом эттирамиз”¹, деган фикрлари ҳар жиҳатдан маънавиятнинг жамият ҳаётида нечоғли муҳим омил эканлигини яна бир карра исботлаб турибди. Бунинг учун эса барча маънавий-маърифий ҳамда таълим-тарбия ва маданий соҳадаги чора-тадбирларни сифат жиҳатдан янги замонавий даражаларда тутиб туришимиз зарур бўлади¹.

Бугунги кунда ёшларнинг қобилият ва истеъдодларини намоён қила олишлари учун тўлиқ ва кенг кўламли имкониятлар яратиш давлат сиёсатининг асосий принципига айланди. Бунда ёшларни жисмоний бақувват, маънан баркамол, ақлан юксак, руҳан уйғоқ авлод қилиб тарбиялаш миллат ғояси сифатида илгари сурилиши, шу ғоянинг жуда муҳим функцияси, янги миллий ва маънавий ўзликни ҳимоялаш каби муҳим функцияси намоён бўлади³¹.

Бу эса ёшлар дунёқарашининг ва улардаги дахлдорлик туйғусининг янада ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Ёшларнинг машғулотлардан бўш вақтларини мазмунли ташкил этишлари, интернет орқали дунё, илм янгиликларини эгаллаш, турли лойиҳа ва тадбирларда иштирок этишлари уларнинг интеллектуал салоҳияти билан бир қаторда воқеа-ҳодисаларга ўзларининг мустақил фикрларини билдира олиш кўникмасини шакллантиришга хизмат қилади. Уларни Ватан меҳри билан уйғун бўлишга, Ватанга хизмат қилишга ундайди. Шунингдек, ахборот олами, интернет хабарлари, ёшлар маънавиятига салбий таъсир этувчи мафкуравий таҳдидлардан ҳам холи эмаслигини назардан қочирмаслик лозим. Воқеликка айланаётган ҳар қандай ахборот, турли фото, видео тасвирлар, ёвузликни тарғиб этадиган ўйин, фильмлар, маълумотлар, Ватанимиз, халқимиз, маданиятимиз, ҳукуматимиз тўғрисида ҳар хил иғво-бўхтонлар ёзилган ахборотлар барчамизни жиддий ташвишга солиши ва хушёрликка, огоҳликка чақириши керак.

Глобаллашув жараёнини, унинг ёшлар онги ва шуурига салбий таъсир этувчи омиллари ҳам мавжудлигини чуқур англаган ҳолда Юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг чиқарган қатор фармон, қарорларидан ҳам кўринадики ҳар бир инсоннинг Ватан, халқ, миллат олдидаги масъулияти, жамият ҳаётига бевосита дахлдорлиги ва ўз навбатида жамият ва давлатнинг ҳам инсонлар фаровонлиги, турмуш шароитига бефарқ эмаслигидан далолатдир. Шундай экан ҳар биримиз

¹ Мирзиёев Ш. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи.1.07.2017 й.

¹ Курунов М. Мафкуравий таҳдид ва ёшлар тарбияси.Т.: “Академия”, 2008. 57-6.

³¹ Собиров Н, Акбаров А./ Глобаллашув ва ахборот хавфсизлиги масалалари. Устоз .№ 27. 2014 йил 25 июн, 3-б.

юртимизнинг янада тараққий этишига ўзимизнинг ҳиссамизни қўшишимиз шартдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Appadurai, A. (1996). *Modernity at Large: Cultural Dimensions of Globalization*. University of Minnesota Press.
2. Bauman, Z. (2000). *Liquid Modernity*. Polity Press.
3. Castells, M. (2010). *The Rise of the Network Society*. Wiley-Blackwell.
4. Giddens, A. (1990). *The Consequences of Modernity*. Stanford University Press.
5. Robertson, R. (1992). *Globalization: Social Theory and Global Culture*. Sage Publications.
6. Абдуллаев Ж. *Глобаллашув ва миллий ўзлик масалалари*. Тошкент: Фан, 2018.
7. Исмаилов Ш. *Замонавий жамиятда глобаллашувнинг ижтимоий-маданий оқибатлари*. Журнал "Ижтимоий илмлар", 2021, №4.
8. Каримов И.А. *Глобаллашув ва унинг жамият ривожига таъсири*.
9. Мирзиёев Ш.М. *Янги Ўзбекистон стратегияси: ижтимоий ва маданий ривожланиш*.